

Биларнинг  
ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ  
ҒАВТАСИ

# ТУРКИСТОН

Туркистон бир, ватан бир

1993 йил 2 февраль • Сешанба • № 14 (14042) **تورکستان**

**TURKISTAN**

Нархи 5 сўм.

## ДАВОСДАГИ УМУМЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ АНЖУМАНИ

Пайшанба кунин Давосда умумжаҳон иқтисодий анжумани иш бошлади. Швейцариянинг сaxeттоб бу тоғли шаҳрида 23 марта йиғилган жаҳондаги йирик бизнесменлар, таниқли иқтисодчилар, сиеcатишунслар кўпгина давлатлар ва ҳукуматларнинг раҳбарлари иштирокида долзарб халқаро муаммоларни муҳокама қилдилар. 1971 йилдан буюн мунтазам ўтказиб келина-

ётган Давос учрашувлари унинг иштирокчиларига кўра, муаммоларнинг швейцариянинг сaxeттоб бу тоғли шаҳрида 23 марта йиғилган жаҳондаги йирик бизнесменлар, таниқли иқтисодчилар, сиеcатишунслар кўпгина давлатлар ва ҳукуматларнинг раҳбарлари иштирокида долзарб халқаро муаммоларни муҳокама қилдилар. 1971 йилдан буюн мунтазам ўтказиб келина-

перлар. 150 нафар обрўли сиеcий арбоблар ташриф буюришди. Улар Шарқий, Марказий Оврупо ва МДХ мамлакатларининг иштирокида, АҚШ иқтисодийнинг жонлангани, Оврупо ҳам-жамиятини тузиш, Жанубий Шарқий Осиё мамлакатларидаги иқтисодий юксалиш ҳамда унинг жаҳон ҳужалиқ алоқаларига таъсири муаммолари борасида фикр алмашдилар. Ушбу йирик халқаро анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раҳбарлигидаги мамлакатимиз делегацияси ҳам иштирок

этноқда. Анжуман президенти швейцариялик Клаус Швабинг уқтиришича, жаҳон иқтисодиётидаги пасайиш, Югославиядаги зиддият кўпгина мамлакатлардаги беқарорлик, ГАТТ доирасида жаҳон савдосини либераллаштириш юзасидан олиб борилаётган музокараларни барилқод қилувчи иқтисодий гуруҳларга уюштириш ҳаракати муаммолари йиғинда асосий баҳсларга сабаб бўлиши кутилмоқда. Ушбу халқаро анжуман бўлиб ўз ишини ниҳоясига етказди.

## ОЛИЙ КЕНГАШДА ҚАБУЛ

1 февраль кунин Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. Ҳўлдошев мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Эрон Ислому Ҳужумияти ташки ишлар вазири Али Акбар Вилотий раҳбарлигидаги Эрон Исламу Ҳужумияти делегациясини қабул қилди. Учрашув чоғида Олий Кенгаш Раиси Ш. Ҳўлдошев мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларининг ривожланиб бораётганидан мамнун эканини изҳор қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг ўтган йил ноябрь ойида Эрон Исламу Ҳужумиятига расмий сафари чоғида бу алоқаларни янада тараққий эттиришга имкон берадиган муҳим ҳужжатлар имзоланди. Олий Кенгаш Раисининг таъкидлашича, парламентлараро алоқаларни янада кенгайтириш белгиланган режаларни тезроқ амалга оширишга омил бўлади. Эрон ташки ишлар вазири Али Акбар Вилотий Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакат парларнинг халқларимиз орасидаги азалий дўстона муносабатларини ривожлантириш учун қилаётган саъй-ҳаракатларига юксак баҳо берди. Сафар давомида банк тизимини яхшилаш, фан, маданият, сaxeттоб соҳаларида ҳамкорлик қилишга оид ҳужжатлар имзоланишига умид билдирди. Шу кунин Эрон Исламу Ҳужумияти ташки ишлар вазири Али Акбар Вилотий Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев ва Ўзбекистон Республикаси ташки ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ш. Зиёнов билан ҳам учрашди. (ЎзА).

## ШВЕЙЦАРИЯ БАНКИ МАЪҚУЛЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий феолият миллий банки билан Швейцариядаги «Свисс банк корпорейшн» ўртасида компютер алоқа ўрнатилди. Энди минглаб километр

нарига ахборот узатиш учун бир неча дақиқа керак бўлади, холос. Компютер мулоқоти дастурини швейцарияликлар тақлиф қилишди. Миллий банкнинг ҳисоблаш маркази эса уни қисқа муда-

датда ўзлаштириб олди. Чет эллик мижозлар миллий банк билан алоқани кенгайтиришдан манфаатдордирлар, чунки унинг дастлабки сармояси доллар ва рубль тарзида бир неча миллиард ташкил этиди. Бизнесчилар ҳам чаққон алоқа боғланишидан манфаатдордир-

лар — дунининг турли мамлакатларидаги 20 та банк «Свисс банк корпорейшн» хомийлигида ишламоқда. Шу йил кўламда эса Ўзбекистоннинг жаҳон банклараро — Телеафто ҳамжамияти — «Сифт»га кириши режалаштирилди. (ЎзА мухбири).

## Ўзбекистон талабалар жамғармаси: ЭНДИ БИЗНИНГ ГАЛИМИЗ КЕЛДИ

Кейинги вақтларда турли биржалар, корпорация ва бир-лашмалар, жамағараларнинг сонин кўпайгандан кўпайиб кетди. Янгиликни ҳар дом ва кўш қўллаб, чапак чапиб кутиб олишмаган. Шундан бўлса керак, аксарият кишилар уларнинг феолиятига, телевидение орқали бериладиган рекламасига сиеовчан нигоҳ билан қарамади. Ким билсин, балки шу ҳам тўғридир. Ахир озгидан чиққанига шунча вақт ишониб келинганининг натижасини кўриб, жабрини тортиб ётти-миз. Лекин шундай жамағарма ва ташкилотлар тузилдикин, уларнинг ҳайрли максодларидан огоҳ бўлиб, беихтиёр ҳайр-римоҳлик билдирасан, киши. Ана шундай ташкилотлардан бири — Ўзбекистон талабалар жамғармаси.

## Машаққатлар ортда қолади

Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси январь ойининг дастлабки ўн кунлигида маҳсулот ишлаб чиқаришини тўхтатиб қўйган эди. Шу кунларда ҳам корхонада иш тўла юришиб кетгани йўқ. Омборларда чой захиралари кескин камайиб бормоқда. Бундай ҳолат қачонгача давом этади? Чойсиз қолмаймизми?


Шу саволларга жавоб излаб фабрикага бордик. Маълум бўлишича, юзага келган аҳволнинг сабаблари хом ашё тақчиллигига тақалар экан.

Буттурга қадар чой асосан Грузиядан олинар эди, лекин корхона директорининг ўринбосари М. Махмудов: «У ердаги вазиет ўзинингча аён. Хом ашё йўқлиги сабабли ўтган йили ишчиларга янги марта маъмурий таътилга беришга тўғри келди. Мана, янги йилнинг дастлабки кунларида ҳам бу ҳол такрорланипти. Корхона маъмурияти иш жараянини тўхтатмаслик учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Ёлиб-югуришларимиз ҳар ҳолда самарасини бера бошлади. Ҳозир Индонезиядан 160 тонна хом ашё келди. Хитойдан ҳам бугун-эрта 200 тоннадан зиёд маҳсулот олишни янги қилиб турибмиз. Булар корхонани хом ашё билан таъминлашга имкон беради. Бироқ муаммони тўла ҳал этолмайди. Юқори ташкилотларнинг ёрдами ва рағбатлари зарур. Масалан, Индонезия, Хитой ва Туркия билан шартномалар тузилган. Аммо улар ҳам аёз эвазига асосан пахта толаси сўрамоқда. Ёки яна бир мисол. Қора денгиз бандаргоҳидан иккита кемада корхонамизга тегишли хом ашё ётиди. Уни келтиришга ҳам амалий ёрдам керак.

Директор ўринбосарининг айтишича, корхонада муаммо кўп, лекин чой халқимизга зарур маҳсулотлардан бири эканини эътиборга олиб, унинг тақчиллигига барҳам бериш учун барча чоралар кўрилмақда.

Х. ШУКУРОВ,  
ЎзА мухбири.

Тошкентдаги «Учқун» тўқув ишлаб чиқариш биришмасида аёллар пайпоғи ишлаб чиқарила бошланди. Хорижий ускуналар ёрдамида. Хом-ашё — инпаксимон ишлар эса, Россиянинг Клина шаҳридан келтирилмоқда. Бу ерда бир йил давомида 4 миллион жуфт аёллар пайпоғи тайёрлаш режалаштирилган. Ажабмас, янги кунлар ичида дўкон пештахталарида «Учқун»нинг маҳсулотлари ҳам кўриниб қолса, аёлларимиз пайпоғидан ёлчи қолармиқдалар...  
Ф. ҚУРБОНОВЕВ  
сурати (ЎзА)



## ЎЗБЕКИСТОН МАДҲИЯСИНИ АМРИҚО ТИНГЛАМОҚДА

Фристайл, яъни чағида фигурали учуш ва чағи акробатикаси жаҳон кубоғи мусобақаларининг навбатдаги босқини Америко Қўшма Штатларининг кишини спорт маркази бўлимиш Лейк-Плэсидда бўлиб ўтди. Бу ерда Ўзбекистон Давлат байроғи кўтарилиб, республикамиз мадҳияси тентановор янгради. Тошкентлик спортчи Лина Черезованинг галабаси мана шундай нишонланди. Ўзбекистонлик тоғ чағинини жисмоний жиҳатдан зўрлигини, маҳорати юксаклигини намойиш қилиб, кўпини кўриб ҳақамларни лол қолдирди. Шу тўғрйли улар Линага биринчи ўринни беришди.

Лина ва унинг устози — республикада хизмат кўрсатган тренер Дмитрий Каунов давлат физкультура ва спорт кўмитасига сим қочиб, ўз қувончларини баҳам кўришди, қариндошларига ва юрдошларига, Ўзбекистондаги барча ўзбекистонлик кишини селом топширишини сўрашди. Улар Ўзбекистон раҳбариятига ва аввало республика учун ҳозирги қийин шароитда ҳам спортни унутмасдан унинг ривожлантириш ҳақида рағбатли қилаётган, мавсумнинг энг мўтабар мусобақасида Ўзбекистон вакилларининг иштирок этишини таъминлай олган Ислам Каримовга алоҳида миннатдорлик изҳор этдилар.

Бу йилги мавсум эса уларга омадли келмоқда. Жаҳон кубоғи мусобақасидаги тўрт учрашудан учтасида галаба қозонилди. Франциянинг Тинна деган жойидаги биринчи мусобақасидангина Лина ҳали зарур спорт зонасига кирмаганилиги учун юткизиб қўйган ва шундай ҳам бўлса, анчагина юқори — учинчи ўринни олган эди. Шундан кейин Италиядаги Пианкавалло, АҚШдаги Брекенреж ва Лейк-Плэсидда яққол галаба қозонди. Жаҳон Фристайл тарихида биринчи марта Ўзбекистонлик спортчи киз Фристайл бўйича «Гран при» соҳибаси бўлишга жуда яқинлашиб қолди.

## ИККИ ҚАВАТЛИ... ПУЛ

Самарқанд шаҳрида республикада ягона икки қаватли йўл қурилиши бошланди. Сиеб деҳқон бозори ва бир қанча тарихий ёдгорликлар ёнидан ўтайдиган бу йўл кўп афзалликларга эга бўлади.

Шаҳар ҳокимлиги йўл қурилиши муаммоларини ҳал этишга катта аҳамият берапти. Режага мувофиқ, Охунбобоев ва Титов номиданги кўчалар «узайтирилиб», бири бири билан боғланди. Бунинг учун 300 хонадонини янги уй-жойларга кўчиришга тўғри келган бўлса-да, мутахассислар бу талбир транспорт қатновини яхшилаш имконини беради, атраф-муҳитининг мусаффолигини сақлашга ижобий таъсир кўрсатади, демоқдалар.

## КУРАШ КУЧАЙМОҚДА

Жиноятчиликка қарши кураш кейинги пайтда, айниқса, Президентимизнинг бу тўғридаги кўрсатмасидан сўнг янада авж олиб кетди. Бу курашдан маргилонликлар ҳам четда туришига йўқ. Шаҳарда маълумий органларнинг оператив штаби тузилди. Бу штабга шаҳар ҳокимининг биринчи муовини А. Комилов бошчилик қилмақда бўлди.

## МАХСУЛОТ АННЕРБОШЛАНДИ

Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги «Гулбаҳор» давлат хўжалиги меҳнатчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра, ўз иختирида қолган пахтадан 130 тонна толаси Туркияга жўнатиб, унингга гилам тўқийдиган дастгоҳ ва бошқа жиҳозлар олди. Истанбул шаҳридан келган мутахассислар бу асбоб-ускуналарни ўрнатиб, ишга туширишга ёрдамлашмоқда.




МАРГИЛОНЛИКЛАР ҲИММАТИ

Фарғона вилоят ҳокимияти ва касоба уюшмалари вилоят ҳокимиятининг қарори билан «Тоғкистонлик қочқорларга ёрдам фонди» ташкил этилган деб эънос қотганларни қўриб олишди. Лекин фонд ташкил этилган биринчи кундаёқ икки ярим миллион сўм миқдорда маблағ йиғилди. Ҳозирги шароитда бунга ишонинг ҳам келмайди. Шаҳар ипачилик илмий ишлаб чиқариш биришмаси 1 миллион сўм, «Атлас» биришмаси 500 миң сўм, қолган корхоналар ҳам иккуниятларга қараб 100—200 миң сўмгача пул ўтказиб, қардошларимизга нисбатан дўстликларини намойиш этдилар. Энди Фарғонага қочиб келган тоғкистонлик биродарларимиз ўз ойна юрларига етиб олишга қийналмайдиган бўлишди.

## КЎҒИРЧОК ТЕАТРИ

Марҳаматлик кичкинтойларнинг қувончига-қувонч қўшилиди. Туманида 2-маданит уйи қошида «Бойчек» номли янги кўғирчоқ театри ташкил этилди. Тошкент Маданият олийгоҳида тахсил олган ёш режиссёр Тодибек Юсупов болаларга таълим эртадан беради «Шоғом», «Зумрад ва Қиммат», «Қудрат дўстлиқидир» каби спектаклларини сахналаштиради. «Бойчек» театри томонлари болалар боғчалари ва мактабларда намойиш қилинмоқда.



«Туркистон» ва ЎзА мухбирлари.

## НАФАҚАХҲРЛАРГА ВЕПУЛ ОЗИҚ-ОВҚАТ

Жиззах ҳокимиятининг фармойишига кўра, шаҳарда истиқомат қиладиган 31 боқувчисиз нафақахўр озиқ-овқат маҳсулотларини билан бе-пул таъминланадиган бўлди. Бундай инсонпарварлик қарияларнинг кўнглини кўтарди.

## ФЕСТИВАЛЬ УТКАЗИЛАДИ

Тошкентда Ўзбекистон вилоятлари халқ ижодий микозалари раҳбарлари билан Марказий Осиё республикалари маданий-маърифий учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда республикамиз вилоятлари маданият ташкилотларининг иш тажрибаси, халқ дастлавари феолиятидаги йўналишлар назардан ўтказиб олинди. Шунингдек, хозирги кунда Марказий Осиё республикалари деб аталаётган Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Қозғистон ва Ўзбекистон республикалари ўртасида 1993—95 йилларга мулкаланган маданий алоқалар юзасидан ўзига хос ижодий шартнома лойиҳаси яқдиллик билан имзоланди.

Май ойидан бошлаб мана шу республикалар бадий жамоалари иштирокида «Чашма» деб аталадиган фестиваллар ўтказишга келишиб олинди. Шуниси диққатга сазоворки, ушбу фестивалларда Туркия ва Озарбайжон бадий жамоалари ҳам қатнашадиган бўлилади. Ўзбекистон теле-радиокомпанияси бу фестивалларни зангори экран орқали мунтазам ёритишни зиммасига олди.

## МИТТИ ТЕГИРМОНЛАР

Пахтачи туманидаги Зирабулоқ тажриба-сиеов завод кичин тегирмонлар ишлаб чиқармоқда. Унда бир соатда 50 кило доғини тортиш мумкин. Февраль ойида дастлабки 20 та тегирмон бюортмачиларга етказиб берилди.

Маҳсулот турини кўпайтириш эвазига корхона ойига 2 миллион сўм фойда кўрмоқда.



29 январь кунин лойтахтадаги Америко Қўшма Штатлар элчихонасида АҚШнинг Тожикистондаги элчиси, АҚШ Давлат котибининг махсус вакили, Тожикистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳаракатининг раҳбари Станлей Эскудеро билан оммавий ахборот восталари ходимларининг матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Жаноб Эскудеро Тожикистондаги вазиет ҳақида бир-мунча тўхталиб, жаҳондаш троник халқига АҚШнинг кўрсатилган инсонийлик ёрдами хусусида гапирди. Жумладан, АҚШ бирдариқушлини урушидан азият чеқкан оилаларга 31 миллион доллар акратди. — Деи у.

Шу билан бирга жаноб Эскудеро республикамиз ақдининг троник халқига кўрсатилган рағбатининг ақдини Президентимиз Ислам Каримов билан бўлган учрашув унда ёрқин гауссурут қолдирганини билдирди.

Сўнгра жаноб Станлей Эскудеро Ўзбекистондаги матбуот вакилларининг кўлдан кўп саволларига жавоб берди.

СУРАТЛАРДА: матбуот конференциясидан лавҳалар. Суратчи Мухаммад АМИН.

У керакмиди? Жавоб жуда суғурте қилиш. Бу масалада жўн — керак эди. Бизга Меҳнат вазирилик ҳам-Кавказ қарам, жамағарма, маси ёрдам кўрсатади. Ўзбекистон талабалар жамғармасининг қилаётган ишларидан бири — у республикамизнинг 5 та энг йирик олий ма кўлини ҳовулаб, маблағ иқтисодини ва билимли талабаларни учун нафақа жорий этиди. Бундай эътиборга сазовор бўлган йиғит-кизилар энда давлат томонидан белгиланган нафақалари билан бир қаторда 2 миң сўм миқдорда пул ҳам олади.

Шу вақтгача талаба ёшлар ўз илмий изланишлари ҳақида қайси матбуот органида гапирганлар ва ким уларнинг илмий асарларини чоп этган! Менинг ақдинда йўқ. Лекин жамағарма ушбу ишни ҳам элламақчи. Яъни, ҳар уч ойда талабаларнинг асарлари, илмий изланишларини ўзига ақз эттирадиган китобча яралади. — Жаҳон талабаларининг фестиваллари бўлиб туради ўз фасларда. Ана шунга тўғри эш анжуманини май ойида Фарғона вилоятида ўтказмоқчимиз. — дейди Андрей.

— Ҳа, анча-мунча нарсани мақсад қилиб қўйишлар. Хорик билан алоқа хусусида ҳам ўз қаракларини бордир! — Қай бир ташкилот бизни мукаммал бўлар экан! Биз алақадон талаба — алашчи, илмий тадиқотларини амалиётга тадиқ қилишга кўмаклашадиган иборат. Жамағарма иқтисодий ёшларни қўллаб-қувватлайди, уларнинг ҳар томонлама кенгайиш топшириш учун бор шартларни яратди.

Ушбу жамағарма тижорат ишларини ҳам олаб беради. Ҳайрия, савоб ишлаб ҳам уларнинг мақсадлари. Ҳозир ҳокимияларнинг берган маблағига ишониб кун кўриб бўлмайди. Шунинг учун ҳам жамағарма улардан олган маълум миқдордаги пулни муомалага қўйди.

— Талабалар бизга гоа берсалар, бас. Биз ун ҳаётга, ишлаб чиқаришга тезроқ жорий қилиншига қарғилсим. Устама фойда талабалар орасида тақсимланади, — дейди ҳамсухбатчи Андрей КАРИМОВ. Андрей жамағарманинг ижтимоий масалалар бўйича бўлиб бошлиғи. Ўзбек тилида анчанин текис, «қоқилмас» гапирди:

— 5 январь кунин жамағарманнинг навбатдаги йиғилиши бўлди. «Ҳа, ёшлар, босар-турсаринларни билмай қолдингларми» деган дашномани эшитмаслик учун ҳам, тез-тез йиғилишиб, режаларимиз ва қилдиган ишлар ҳақида бир-биримизга ҳисобот бериб турибмиз. Хуллас, ўша мажлисда менинг бўлимининг 1993 йилги дастури белгиланди. Тошкентдаги Талабалар шаҳарчасига ёзги концерт майдончаси кўриб беришда ҳамкорлик қилиш, ёшлар кафедини бунда эътиборни ният қилганимиз. Узоққа мулкаланган бир режамиз мавжуд. Бу — талабаларни иш билан таъминлаш масаласидир. Олий ўқув юрлари қошида, ётоқхоналарнинг ёнига кичин корхоналар ташкил этилса, қандай яхши бўларди.

Яна бир ниятимиз — камтаъминланган талаба ёшларни уюмла ва фойдали ўтказиш ҳақида тақлифларини, дунини қойил қилғулик кауифибларини, гиз, тенгқурларини билан урлоқлашига аргизлик янгиликларини бўлса — Ўзбекистон Талабалар жамағармаси сизни кутмоқда. Манзилгоҳ эса кўнйдагича: Тошкент шаҳри — 165, Правда Востока кўчаси 24. Касоба уюшмалари федерацияси кенгаши, Талабалар жамағармаси. Тел: 32-58-14, 56-55-60. Яшнар КАРИМОВА, «Туркистон» мухбири.





Абдували ҚУТБИДДИН


Оқ тулпорлар кирсин тушимга

БИР ШОИР дўстим нега мен ўрта асрларда туғилмадим, ҳамма нарса табиий ва гўзал эди, шеърят даври эди, ўшанда, дейиши хуш кўради. Гўё ўзи ўрта асрларда яшаб кўргандек. Бу унинг армони, алами. На илож, Аллоҳ бизни XX асрнинг муҳажир инсанжалари, буюк кувончлари кучоғига ташлаган экан, демак тақдир шундай битилган экан. Зеро адабиёт изтироб ва ҳасрат орзу-

лар тасвири бўлганидек, унинг одамлари ҳам изтироб ва ҳасрат-орзулар учун яшайдилар. Тафаккур ва махлуқ ўртасидаги машааю-ғавгонинг ситамларини кўнглига киритиб, ундан чандонлар эзилиб, гоҳи-гоҳи оний нури йилтирлардан қувониб сўз айтувчилар бўлаверди. Бунга ҳеч қим таъкид-лолмайдим. Дарду-қувонч 50 йил-

дан кейин ҳам шу рангда, оҳанда келади. Ҳар қанча тирмашма-сина, бугун учун шоир бегона бўлса, бугунда-гилар унга боқмайдилар. Лекин 10 йил, 20 йил, 30 йилдан сўнг — эртангилар, индингилар уни тушунадилар, балки севадилар. Мана шу севги ва тушуниш им-кони учун ҳам яшаш, ёзиш гузалдир. Агар тушунмасалар, севама-салар-чи! Кимдир туғил-ди-ку 100—150 йилдан

кейин... Уша кимдир то-пиб олар, йўқотмас, авайлар. Балким бари беҳудадир. Шунинг ўзи-ям қизиқ. Янги йилнинг янги кунларида умидланиш яхши, ёқимли. Истар-димки, тафаккурлар ус-тун келсин. Шеър айт-гувчиларни эшитадиган-лар кўпайсин. Авайла-лар, қадрлар, севгилар, муруватлар ҳукм қўриқсинлар. Бу ёнги қоронгу тушамсин. МУАЛЛИФ.



МИНГ ЙИЛ АВВАЛ

Эшқобил Шукурға Қачонлардир, Мана шу ерда, Сента-менга ўхшаган икки — Шетарбоз илон бошин силлаган. Қачонлардир, Ана у ерда, Бир дўқондор ўйини ёқиб — Икки ўғри писиб ухлаган. Қачонлардир, Хув, уша ерда, Эшак сўйган қасобнинг қизи — Ўйнашидан пичоқлар еган. Қачонлардир, Мана шу ерда, Подшоҳ билан ҳазиллашган шўх — Маскаробоз етти кесилган. Қачонлардир, Ана у ерда, Нигит билан бир қиз чирмашиб — Дуфт кумурга айланиб учган. Қачонлардир сени ҳам бўлгансан, Қачонлардир, Мен ҳам бўлганман, Ўғтингда бошпанаси йўқ — Шу ерларда ҳаёти кечган... Болаларни қарғини ичган... Хоҳлайман, Марвариддай шода-шода йил, Тўқилсаю бўлмаса тамом. Хоҳлайман, Ялпиз ҳадлаб ширакайф булбул Гул ёнига боролсин омон. Хоҳлайман, Елкаларига момидай момик, Қўли қўйсин жузукқина тоғ. Хоҳлайман, Ариқларга шароб тўлсини Сира-сира ҳеч оқмасин қон. Хоҳлайман, Чечакларга сирлашган қизча Ҳазин тортиб кўрмасин хазон. Хоҳлайман, Оқ тулпорлар кирсин тушунга Чапсига кетмасин замон. Хони қилч кўтарилмасин, Талвасада инграмасин жон. Адашмасин минг бор адашган...

Зарафшон сувини ичганиман, Тунда кувиди ой чўмилганда, Кўзлар юмилганда, кун қумилганда, Кечганимиз?

Бобур оёғини ўпган тупроқда Балқиддай ўйнаб кўрганмансан. Темур лаби қолган бўлқда йнглаганимиз?

Жаннатнинг эшигин кўрган Авлиё Ҳазрат хўжа Аҳрор хоброҳидир бу — Сен Нақшбандий эмасмансан, ё Бунча хархаша...

Амирлар тугади бу сув, бу дарё, Авлиёлар тугар бу юрт, бу маъво. Ахир у сенки, ахир меники А ё бегонамизан?

Кўрагини сиққан ҳаво қаердан? Бунча касалмандсан даво қаердан? Ахир бир одаммиз, ҳатто бошинг ҳам Улугбек қаққидир, Фаҳиламайсан?!

ЎЗБЕКЛАР

М. У. га

Ўзбеклар Худони танирлар, танирлар. Юракни танирлар, кўнглини танирлар. Кўзлари чугучуқ кўзидай жовли — Дўстин биларлару, душмани билмаслар.

Ўзбеклар дастурхон ёзини биларлар, Қўллари нон танир, қўйини биларлар. Ёшини биларлар, ўйини билмаслар, Ўлишин биларлар, сўйини билмаслар.

Ҳисобдан адашиб кетсалар кетарлар, Қарғалар елгага қўнсалар қўнарлар. Биронинг ҳақини ейишдан қўрқарлар, Туз берган юзига уришдан қўрқарлар.

Ўзбеклар етмининг оғзини қон қилмас, Кечани на кеча, тонларин тон қилмас. Қўп-қуруқ ногора устидан бонг қилмас, Бировлар қиларлар, ўзлари қилмаслар.

Ўзбеклар юртига қўйини қаққарар, Булутга баққарар, ёмғирга баққарар, Тупроқни сийпалаб бугдойни қаққарар, Қийналас одаммас худойни қаққарар.

Ўзбеклар инсонни ҳазрат деб биларлар, Яшани таънамас, ҳиммат деб биларлар, Фарзанда сўяниб қувват деб биларлар, Муруват биларлар, нафрат билмаслар.

Меҳрга тўймаслар, дийдорга тўймаслар, Қишларга ситмаслар, баҳорда тўймаслар, Кучоқлаб олсалар, ҳурлини туйсалар Зўрликка бермаслар, биронни қўймаслар.

Арвоҳдан қўрқарлар, иблисдан қочарлар. Тобутсоз эмаслар, бешиқлар ясарлар. Йилни уч қумас, қирқ кунлаб очарлар. Тўй қилиб ҳаммага севгилар сочарлар.

Кулгани биларлар, йнғини биларлар, Кўйини биларлар, сўйини билмаслар. Ўзбеклар ҳеч қачон тонини билмаслар, Етннн биларлар, қувини билмаслар.

Юзини тиртмаслар, кўзларим оқмаслар, Мен узун уйқудан уйғондим, ёқмаслар. Бу шетрга ўзбекдан бошқалар боқмаслар, Ёқмаса ёқмаслар, ёқмаса ёқмаслар.

Ўзбеклар Худоба яқиндир, яқиндир, Чақилса қаққидир, уянди ёқиндир, Тузоққа тушмаслар, тўлолон тўқиндир, Ўзбеклар энди ҳеч орқага қайтмаслар.

Қорсан, муваққатсан, эрийсан, йўқсан — Афлотун эмассан — атиги хотир. Мени эзгиларга ўчсан, кечаги Сулуз эдинг, Мен ахир...

Кўзга маскаралар, оқ тушган — хабар, Ажинлар солари нокуш хавотир. Мени ёқимлашга ўчсан набулар Осмон эдинг, Мен ахир...

Қўрқадим, ўшанда, қўлларим боғли, Хурқдим, кириб кетдим, чиқмадим — чодир. Мени нимталашга излайсан, доғли —

Юрак эдинг, Мен ахир... Бўридай сакчайман ўз зулматимда Ўғридаб олганим кечаги тақдир, Нимага унутай дард, куфлатимсан Севгим эдинг, Мен ахир...

Кубро туғни тутган Самандар шоҳид, Мулки ваёронимда зор менга мурид, Оёғим остига тўшалган дардим, Чўк тушдим. Пиёла қаршимда, осмон қистанар, Афсус, тўлдиролмас ёрунга, афсус. Чақириб чарчаган чўқур кенгликка, Чиқаман хомуш.

Қий-чув кўтарайди Зухро ё Зухал, Гапирар, бадмаман, тушунолмайман. Етақлаб олгани келганлар билан, Негадир, Қўшилмайман. Тинчи пайт. Сабрдан ҳалволар еган, Уч-тўрт олтин таंगा берар, олмайман. Мулки ваёронимга ҳулволар келса, Бу ерда Бўлмайман.

Зор ила ҳасратнинг қопини судраб Бирор дуню тоғда, ё дала-дашда, Ахтариб, ахтариб яна ахтариб, Кираман — Қишга... Қишга...

Қаймоқ ўта қадимий наъ-мат бўлиб, унинг келиб чиқиши тарихи эрамиз-дан аввалги замонларга, иссиқ мамлекатларга бориб тақалади. Буюк саркарда Э-кандар Зулқарнайн Ҳин-дистонни зеб этган пайтда у Ҳиндларнинг ажайиб аънанасидан хай-рон қолган, яъни улар жазирема кунларда муз-латилган сутни шимиб ўтиришаркан.

НИГОРА, СУРАЙЕ, САЙЕРА

Шамсутдиновалар ҳақида илгари ҳам эшитганим. Уларнинг джо-до билан шуғулланишини; мусобақаларда фаоллиги ва голиблик погонасига бир неча бор кўтарил-гандан хабардорман. Бироқ улар билан суҳбатда бўлиш насиб этмаган эди.

Бизни пойтахтнинг «Меҳнат ўрибосарлари» спорт нишоотига бошлаб борган ягона истаг ҳам улар билан суҳбат қилиш эди. Афсуски, у ерда она-сингиллар-нинг ҳаммасини учрата олмадик. Фақат Нигорагина бор экан. Аммо Нигора (суратда у ўғли билан)нинг ўзи ва у мураббийлик қилаётган джо-дочи қизлар билан учраш-дик. Бу ерда Наргиза Қўзиева, Диана Расуллова, Элира Газинова, Олеса ва Диана Хунафина каби спорт-чилар билан суҳбатлашдик. Ҳамда уларнинг машғулот пайтидан бир неча суратлар олдик. Дарвоқе, Сиз уларни кўриб турбисиз.

Улар ҳали ёш. Бироқ мустақил республикамизнинг спорт борасидаги шон-шухратини оламга ёйишга улар астойдил бел боғлашган.

Муҳаммад АМИН.



зирги замон тиббиёт хомилалар авлиғини ўғил ёки қиз туғишини олдиндан айтиб беради. Худди шу сингари ветеринария ҳам жониворларнинг нима туғишини олдиндан биларкан. Мол дўхтирларнинг айтишларича, сигирнинг нима туғишини унинг думига қараб бўлса бўларкан, яъни думининг уч қисми текис қирқил-го-гандек бўлиб, таралган-

га ўхшаб қолса, билин-ги, Буқа туғади. Агар думининг учига сигирин-гиз туғиб беради. Эртла-ла соққан бўлсангиз — сизни эрталаб қувон-тирадди. Шунинг учун сизга маслаҳат, сиги-рингизни ақшамба — дам олиш кунини кунду-зи охири марта соққан-нингиз маъқул. Ҳар қал-лай уйда бўласиз.

ҚАДИМИЙ НЕЪМАТ • ДАРҲАҚИКАТ, муз-качқурун соққан бўлсангиз 2 ё 3 ойда кейин кечқурун ўша вақтнинг ўзида сигирин-гиз туғиб беради. Эртла-ла соққан бўлсангиз — сизни эрталаб қувон-тирадди. Шунинг учун сизга маслаҳат, сиги-рингизни ақшамба — дам олиш кунини кунду-зи охири марта соққан-нингиз маъқул. Ҳар қал-лай уйда бўласиз.

қаймоқ ўта қадимий наъ-мат бўлиб, унинг келиб чиқиши тарихи эрамиз-дан аввалги замонларга, иссиқ мамлекатларга бориб тақалади. Буюк саркарда Э-кандар Зулқарнайн Ҳин-дистонни зеб этган пайтда у Ҳиндларнинг ажайиб аънанасидан хай-рон қолган, яъни улар жазирема кунларда муз-латилган сутни шимиб ўтиришаркан.

ЛУҚМА КУПОН ЎРНИГА — ЧОЙЧАҚА

Ўзбекистон Республикаси давлат банкнинг Бухоро бўлими ходимлари савдода купонлардан фойдаланиш талабларига қандай риоя қилинаётгани билан қизиқиб, ҳайратдан ёна ушладилар. Қаранг, январь ойининг бо-шидаёқ Бухоро ва Когон ша-ҳарларидаги айрим дўқон-лар нақд 25 миллион сўм-лик купонсиз савдо қили-шибди-я. «Ухсоагорт»га қарашли 1-дўқонда бир кунда 30 ми-нг сўмлик мол купонсиз сотил-ган эди. Орадан бир неча кун ўтиб шу дўқон яна тек-ширилганда 111 ми-нг сўм-лик купон етишмади. Шу-нингдек, Файзулла Хўжаев туманидаги 25-дўқонда 255 ми-нг сўмлик, «Бухарагорт-промторг»нинг 15-дўқонда 150 ми-нг сўмлик купон на-момади аниқланди. Когон шаҳрида текширил-ган туқинида дўқонда ҳам аҳвол бундан яхши эмасли-ги аён бўлди. Ҳар кун Бухорога кела-ётган минглаб сайёҳлар дў-қонлардан истаган молни купонсиз харид қилмоқда. Чунки улар бухоролик «са-ховатли» савдо ходимларини купон ўрнига мўмай чойча-қа билан сийламоқдалар. Бу аҳвол қачонгача давом этаркан?

И. САФАРОВ, УИА мухбири.



Келгуси сонда:
● ФУТБОЛ: ЯНГИ ЙИЛДАҒИ БИРИНЧИ ИМТИҲОН
● ЮК КЎТАРГАН ЮЗАГА ЧИҚАДИ

Газета саҳифаланаётганда:
ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ АВТОМОБИЛИ
1993 йилнинг 25 январь кунини мамлака-тинингнинг нафрат ма-шинасозлигини тарихига, қолверса, умуман давлатимиз солмонасига зарҳал ҳарфлар билан муҳрлаб қолса, ажабмас. Худди шу кунга Ўзбекистондаги би-ринчи автомобиль — «Авна-А-31» юк ма-шинаси конвейердан чиқди. Уни «Тошқури-лиштранс» ишлаб чи-қариш бирлашмаси қо-шнда ташкил этилган «АвТоп» Ўзбекистон — Чехословакия қўш-ма корхонаси маши-насослари тайёрлади-лар. Автомобиллари-миз ҳозирча самосвал ҳа-мда борли техника-лар шаклида чиқмоқ-да, — дейди қўшма корхона тижорат ди-ректори Ғайрат ИНОҒО-МОВ. — Ҳозиргача 30 донга шундай маши-на тайёр турбди. Улардан иккитасини сотишга ҳам улгурдик. Асосий техник қўрсат-килари қўзғалдирил-ган нобрат: тўрт тон-на юк кўтарушга мў-жалланган. Юк кило-метр масофата 13,5 литр дизель ёнлиғин сарфлайди. Янги автомобилни муборақ, Ўзбекистон! С. РУСТАМОВ, «Туркистон» мухбири.

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ
Тахрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АҲМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Н.ЖАЛИЛОВ, К.ЖУМАНИЕЗОВ, К.РАХИМОВ, З.РИХСИЕВ (масъул котиб), Қ.ЭШМАТОВ.

Тавсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЭШАЛАР ИТТИҒОҚИ МАРКАЗИЙ ҚҮМИТАСИ
«ТУРКИСТОН» ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан «Еш Ленин» номи билан чиқа бошлаган.

ТАХРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадий бешаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700008, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-у.
Нашр кўрсаткичи: 64607
Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.
Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.